



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 7 - Mart

560 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Уразметов Хамиднинг  
турар жой биносига бўлган эгалик  
хуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида яшовчи фуқаро Уразметов Хамиднинг “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик хуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 4 февралдаги ШЯ-У-424-сонли аризасини, “Соҳибкор” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 29 январдаги 238-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Соҳибкор” маҳалласида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 67,2 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 7 (етти)та бўлиб, ички ўлчами 158,48 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 225,68 квадрат метр, қурилиш ости майдони 332,3 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Уразметов Хамидга мулк хуқуқи асосида унга эгалик хуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Уразметов Хамидга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш хуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Уразметов Хамидга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**